

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**384 «Бухоро вилоятининг Олот ва Қорақўл туманлари-  
ни ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш»  
лойиҳасини Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида амалга  
ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Бухоро вилоятининг Олот ва Қорақўл туманлари аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш, шунингдек халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида:

**1. Қуйидагилар:**

2012 йил 13 декабрда Жаҳон банкининг Директорлар кенгаши «Бухоро вилоятининг Олот ва Қорақўл туманларини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш» лойиҳасини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасига Халқаро тараққиёт уюшмасининг 5 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига оладиган, қайтариш муддати 25 йил бўлган умумий суммаси 53,2 млн махсус қарз олиш ҳуқуқлари (82,0 млн АҚШ долларига тенг) миқдорида кредит беришини маъқуллаганлиги;

Ўзбекистон Республикасининг мазкур лойиҳани амалга оширишдаги улуши 53,9 млн АҚШ доллари эквивалентини, шу жумладан солиқ ва божхона имтиёзларини бериш тарзида — 22,6 млн АҚШ долларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қўйиладиган марказлаштирилган капитал маблағлар — 31,3 млн АҚШ долларини ташкил этиши;

лойиҳани амалга ошириш даври 5 йил деб (2013 — 2017 йиллар) белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

**2. Белгилаб қўйилсинки:**

Ўзбекистон Республикасига Халқаро тараққиёт уюшмасининг кредити Ўзбекистон Республикаси ва Халқаро тараққиёт уюшмаси ўртасида тузилган молиялаштириш тўғрисидаги битим асосида берилади;

Бухоро вилояти «Сувоқова» ишлаб чиқариш бошқармаси, Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва Бухоро вилояти ҳокимлиги кўрсатиб ўтилган лойиҳа амалга оширилиши учун масъул бўлган ижро этувчи органлар ҳисобланади;

Халқаро тараққиёт уюшмаси кредитини қайтариш билан боғлиқ харажатлар ҳамда кредит бўйича фоиз ва воситачилик тўловлари лойиҳани амалга ошириш даврида 2013 йилдан 2017 йилгача Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига, кейинги йилларда — Бухоро вилояти «Сувоқова» ишлаб чиқариш бошқармаси маблағлари ҳисобига, етишмаётган қисми — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

**3. Қуйидагилар:**

«Бухоро вилоятининг Олот ва Қорақўл туманларини ичимлик суви би-

лан таъминлашни яхшилаш» лойиҳасининг техник-иқтисодий асосланишининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари 1-иловага\* мувофиқ;

«Бухоро вилоятининг Олот ва Қорақўл туманларини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш» лойиҳаси бўйича Халқаро тараққиёт уюшмаси кредитини ҳамда кредит бўйича воситачилик тўловларини қайтариш жадвали 2-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

#### 4. Куйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси молия вазирига Халқаро тараққиёт уюшмаси билан молиялаштириш тўғрисидаги битимни, шунингдек Бухоро вилояти «Сувоқова» ишлаб чиқариш бошқармаси билан қайта кредитлаш тўғрисидаги битимни Ўзбекистон Республикаси номидан имзолаш;

Бухоро вилояти «Сувоқова» ишлаб чиқариш бошқармаси директорига лойиҳани Халқаро тараққиёт уюшмаси билан бирга амалга ошириш тўғрисида битим имзолаш;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига Ўзбекистон Республикаси билан Халқаро тараққиёт уюшмаси ўртасида молиялаштириш тўғрисидаги битим бўйича юридик хулоса бериш ваколати берилсин.

5. Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директори, Бухоро вилояти хокими, Бухоро вилояти «Сувоқова» ишлаб чиқариш бошқармаси директори зиммасига:

лоyiҳани амалга оширишга йўналтирилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

Жаҳон банки тартиб-қоидалари ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ зарур ҳисоботлар ҳамда ҳужжатларни белгиланган муддатларда тайёрлаш ва тақдим қилинишини ташкил этиш;

сув таъминоти ташкилотларининг инвестиция олди ва инвестиция даврларидаги иш самарадорлиги;

Бухоро вилояти «Сувоқова» ишлаб чиқариш бошқармаси ва унга тобе бўлган шаҳар ва туман сув таъминоти ташкилотларининг ташкилий тузилмасини мақбуллаштириш;

сув таъминоти ташкилотларининг фаолият самарадорлигини, шу жумладан истеъмолчиларни ялпи хатловдан ўтказиш, ҳисобга олинмаган сув истеъмолчиларини аниқлаш, сув исрофгарчилигини камайтириш ва маблағлар йиғилиши даражасини кўтариш, ишлаб чиқариш ва молиявий ҳисоб-китобларни йўлга қўйишни автоматлаштирилган биллинг тизимини жорий қилган ҳолда, абонентларни ва бериладиган ҳисоб-китобларни зарур даражада ҳисобга олишни таъминлаш ҳисобига ошириш устидан назоратни ташкил этиш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

#### 6. Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги:

лоyiҳани бошқариш вазифасини Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ҳузурида фаолият юритаётган Жаҳон банки лойиҳаларини Мувофиқлаштириш гуруҳи зиммасига юклансин;

бир ойлик муддатда Бухоро вилояти ҳокимлиги билан келишган ҳолда

\* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

\*\* 2-илова берилмайди.

Бухоро шахрида лойиҳани амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштириш гуруҳи шохобчасини ташкил этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги 2014 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг ҳар йилги инвестиция дастурларини шакллантиришда «Бухоро вилоятининг Олот ва Қорақўл туманларини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш» лойиҳасини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг улушини молиялаштиришни назарда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2014 йилдан бошлаб, келаси йилдаги Давлат бюджети лойиҳасини шакллантиришда республика бюджети параметрларида Бухоро вилояти «Сувоқова» ишлаб чиқариш бошқармасининг шу мақсадларга йўналтириладиган шахсий маблағларига қўшимча равишда Халқаро тараққиёт уюшмаси кредити бўйича комиссияларни тўлаш, асосий қарзни қоплашга маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

Бухоро вилояти «Сувоқова» ишлаб чиқариш бошқармаси Халқаро тараққиёт уюшмаси қарз маблағларини қайтариш бўйича мажбуриятларини бажариш учун зарур пул маблағларини жамлаш мақсадида хизмат кўрсатаётган банкларда махсус 22626 «Ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» ҳисобварағини очсин.

9. Мазкур лойиҳа доирасида Халқаро тараққиёт уюшмаси кредити ва Ўзбекистон Республикасининг лойиҳани амалга ошириш учун ажратилган маблағлари ҳисобига, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича сотиб олинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари), қўшилган қиймат солиғидан, давлат мақсадли жамғармаларига ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар ва йиғимлардан озод қилинсин.

Белгилансинки, мазкур имтиёزلарни бериш натижасида бўшайдиган маблағлар ушбу лойиҳани амалга оширишга Ўзбекистон Республикасининг қўшган ҳиссаси ҳисобланади.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги талабномаларига кўра, лойиҳани амалга оширишда иштирок этаётган хорижий мутахассисларнинг кириш визалари консуллик йиғими ва бошқа йиғимлар ундириб олинмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги талабномаларига кўра, лойиҳани амалга оширишда иштирок этаётган хорижий мутахассисларга кўп марталик визалар бериш ва уларнинг муддатини узайтириш, шунингдек Ўзбекистон Республикасида вақтинча рўйхатда туриш ва унинг муддатини узайтиришни таъминласин ҳамда улар давлат божи тўлашдан озод қилинсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республи-

**30 (582)-сон**

**— 15 —**

**384-385-моддалар**

каси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари И.Б. Закиров зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 15 июль,  
ПҚ-2001-сон